

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш учун кулай шарт-шароитларни яратиш, қўшма корхоналарни барпо қилишга хорижий сармояларни кенг қуламда жалб этиш ҳисобига иқтисодийнинг таркибий ўзгаришларини таъминлаш мақсадида:

устувор объектларни жиҳозлаш учун, иловага мувофиқ; ҳукуматнинг кафолати билан бериладиган хорижий кредитлар ҳисобига молияландирилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун; халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва қайта қуриладиган корхоналар учун;

хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг устивар маблағига қўйилма сифатида хорижий сармоядорлар томонидан келтириладиган технология ускуналари.

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган қўйилма сифатдаги ускуналарни қўйилган қиймат солиғидан озод қилинсин:

2. Белгилаб қўйилсинки, импорт буйича етказиб берилган ҳамда ҳукумат қарорларида мувофиқ «Ўқишлоқхўжалик таъминот тўзатиши» кумитаси ва «Ўқишлоқхўжалик маш-холдинг» компанияси томонидан олиб келиниб, машина-трактор саройларига сотиладиган қишлоқ хўжалик техникаси, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари олиб келинганида икки йил мубайнида қўйилган қиймат солиғига тортилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 1998 йил 19 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 20 январдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

Table with 3 columns: Currency, Rate, and another column. Includes entries for Australia, Austria, England, Belgium, Holland, Greece, Denmark, Dania, USA, USSR, Ireland, Iceland, Spain, Italy, Canada, China, Kuwait, Lebanon, Malaysia, Germany, Norway, Poland, Portugal, Singapore, Turkey, Finland, France, Sweden, Switzerland, ECU, South Korea, Japan, Russia, Ukraine, Belarus, Estonia, Latvia, Lithuania, Uzbekistan, Kyrgyzstan.

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ҳуррият ҳақиқатлари

МУСТАҲКАМ ОИЛА — МУСТАҲКАМ ДАВЛАТ

Дунёда ҳар бир нарса — заррадан то кoinот қадар — оила тузишга талпиниб яшайди. Чунки оламнинг ўзи улкан бир оиладан иборат. Оила ҳаёт манбаи эканлиги учун ҳам муқаддас. Дарҳақиқат, кoinот аор тиррикликлдан-ла дахлизроқ, муқаддасроқ яна бирор нарса бормикан? Тупроқда ҳам, сувда ҳам, дарахлару ўтда ҳам, тоғда ҳам, тошларда ҳам, кеча билан кундузда, қорларда, ёмғирларда, ҳам фикрда, ҳаёлда, ҳам тилларда, сўзларда барчасида тирриклик, барчасида ҳаёт ва барчасида умр бор.

тиш... Булар бари Шарқона таълим-тарбия усуллари бўлиб, улар чегараламаганини кўрсатади. Аини пайтда Шарқда ахлоқий чекланиш, одоб-ахлоқ чегараси бўлган. Ота-она ўз фарзандларини қўйилга турмайдиган қилиб тергаб турган. Болаларга нега эрта кетдинг, нега кеч келдинг, ким билан бўлдинг, қаерга бориб, нима иш қилдинг сингари сўроқларни бериш, албатта ота-онанинг бурчи саналади. Бу болалар ҳукуқини чегаралаш эмас, балки улар ўз ҳуқуқларини тўғри англашлари, эгри йўлга кириб кетмасликлари, ҳаётда фарзандлар ўз ўрнини топишига ёрдам беради, холос. Оиладан юз ёшли чолнинг 80 ёшли ўғлини терганиш, саксон ёшли ўғилнинг юз ёшли ота олдига одоб сақлаши, ота гапини икки қилмаслиги шарқона фазилат намунаси эмасми?

Оила қурин — инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатдир. Бу муносабатларнинг мустаҳкамлиги жамиятнинг мустаҳкамлигини белгилайди. Шарқда оила ҳаммиша мустаҳкам бўлган. Шу сабаб муқаддас саналган. Оила шайни Ватан шайни каби эъзозланган. Босқинчиларга қарши қўлла қилич, дилда қасос билан курашга отланган йигитларимиз аввало оила номусини ҳимоя қилмаганимидилар? Улар юртни, Ватанин севиши оилани севишдан бошланганмидилар? Ҳар хил ёчим назарлардан, турли гап-сўзлардан аввало оила ва оила аъзолари шайини муҳофаза қилмаганимидилар? Зеро, оиланинг ўзи кичик бир мамлакат. Кичик-кичик оилалар қўргони мустаҳкам бўлса, улкан мамлакат қўргони ҳам мустаҳкам бўлади.

Шарқона фазилат намуналаридан яна бири бизда оилда сиз ва сен сўзлари борлигидир. Шунинг ўзи ота билан ўғил, она билан қизнинг оиланинг мавқеини белгилайди. Оталар ва болалар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириб туради. Баъзи халқларда ота билан ўғил, она билан қизнинг фарқи йўқ, деса ҳам бўлади. Улар барчани, бир-бирларини сен деб гапирдилар. Шарқ оилаларида, айниқса қизлар ҳеч қачон одоб доirasидан ташқарига қўйворилмаган. Уларга алоҳида таълим-тарбия берилган. Аёллар бўлган муносабат жамиятнинг маданиятлик даражасини белгилловчи омил бўлиб хизмат қилган. Аҳли аёлининг, онанинг покизалиги, садоқати ва вафодорлиги, донолиги оила муқаддаслигини таъминловчи омил бўлган. Шарқда эр-хотинлик муносабатларининг ўзи бир мактаб...

Шарқ оиласида тенг ҳуқуқлик, ҳуффикрлик биринчи ўринда турлади. Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл, деган мақол ана шу ҳуффикрлик заминда пайдо бўлганга шубҳа йўқ. Бу ҳуффикрлик ўсимир фарзандларнинг ватанпарвар, нймон-эътиқодли, ҳуриятга ташна, озодалик туйғуларига тўлиб-тошган, ота-онанга берган ок сўт ҳурмати садоқат кўрсатиб улгайишида кўринади.

Афсуски, истибодат йилларида ушбу мактаб сабоқларини бир қадар унутганимизни тан олиш керак. Оиланин ақралишлар, никоҳ бузилишлари бир қадар кўнайдилар. Етим болалар, қариянида қадр тоимган қариялар пайдо бўлди. Қўйган жойини унутган зирак учун она-сингил юз кўрмас бўлиб кетмоқда. Иккаласида ҳам бир нечтадан дангиллама ҳовли бўла туриб, ака-ука бир-бири билан бир парча ер учун уришади.

Оила бошиқларни ўз фарзандларига эртақлар, маталар, топнимоклар, дostonлар, ривоятлар, афсоналар айтиб берганлар. Бу ўзига хос сабоқ, ўзига хос дарс бўлган. Бу сабоқлар эзгуликка муҳаббат, ёвузликка нафрат ҳақида эди. Бу дарсларда Ватанин севиш, керак бўлса юрт учун жонини фидо этиш, бир бурда нонини дўст билан баҳам кўриш, оғир кунга тушиб қолган инсонга ёрдам бериш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўргазини, муҳаббат ва садоқат ҳақида эди. Буни ахлоқий, маънавий ва рухий поклик, покланиш ҳақидаги ўзига хос мактаб, дейиш мумкин. Ростини айтганда, эртақлардаги, дostonлардаги ҳуффикрлик қаерда бор? Ота-оналар дostonлар, матал ва афсоналар айтиш билан бирга ўз фарзандларини ҳурликка, озодалikka, даъват этганлар. Эътибор берсангиз, барча эртақлардаги қаҳрамонлар эл-юрт мушкул вазиятларда қолганда, босқинчилар муқаддас Ватан тупроғига истилочилик ва зулм ила бостириб кириб, муқаддас туйғуларини поймол эта бошлаганда қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатганлар. Элулусли улуғ курашлар сари бошлай олганлар. Алломинлар ҳайқирганида уйқудаларнинг уйғониб кетганини, уйғокларнинг кураш учун кўтарилганини эсланг.

Шарқда бу борадаги таълим-тарбия чегараси бўлган. Ҳар бир оилда аввало ота-она фарзандлар учун ибрат намунаси эди. Бу фарзандларга панд-насихатлар бериш, эртақлар айтиш ёки гап-сўзлар билан эмас, ахлоқ-одоб, ўзини туттиш ва амалий ишлар билан бошланган. Фарзанд учун энг биринчи устоз ота-онадир. Ота-она покдил бўлса, фарзандлар ҳам покдил, мард бўлса, фарзандлар ҳам жасоратли, ўқинишли бўлиб ўсадилар. Қуш уссида кўрганини қилади, деб бежиз айтилган. Фарзандлар олдидан ота-оналар масъулияти ҳам энгил эмас. Ўқитиш, панд-насихатлар қилиш, таълим бериш, ибрат бўлиш, бир болага етти маҳалла ота-она дейилгандек, фарзандларни жамоатга ўргатиш...

Ватанин севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси


1998 йил 20 январь, сешанба • № 8 (22.245).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ХАРИТАСИ

Самарқанд вилоят ҳоқимлигида «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги Қонунни ҳаётга татиққ этиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди. Санацияга киритилган хўжаликларнинг иқтисодий аҳволи ўрганилиб, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Пойтахтнинг Сирғали туманида Оила йили муносабати билан республика хотин-қизлар кўмитаси, «Олтин мерос», «Маҳалла» ҳамда ЭКОСАН жамғармалари ҳўмийлигида республика миқёсда ўтказилган «Энг ибратли келин» танловининг биринчи босқичи бўлиб ўтди.



Қишнинг ҳам ўз гаши бор. А. РИСКИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

«Тоусан Трейдинг Ко» ўзбек-араб қўшма корхонаси мамлакатимизда 1994 йилдан бери фаолият кўрсатади. Қуни кеча ушбу қўшма корхона Тошкентнинг Акмал Икромов туманида 101 турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик корхонани ишга туширди.

«Ўзавтотранс» корпорациясида Чехиянинг «Татра» автомобиль ишлаб чиқариш компанияси делегацияси ташмири билан шуғулланадиган «Ўзавтосозлаш» заводиди 17 тоннагача юк кўтара оладиган «Татра-815» юк машиналарини йиғадиган қўшма корхона тузиш буйича ҳужжатлар имзоланди. Бу қўшма корхона МДХда яғонадир.

«Интернет» ахборот тизимининг хабарларига кўра, шимолий иттифоқ раҳбарларидан бири генерал Аҳмад Шаҳ Масуд билан толиблар қўшилари ўртасида жанглар давом этмоқда. Кобула шаҳридан 25 километр шимолда қудратли ракетапардан ва тўпалардан ўт очилди. Афғонистондан келган хабарларга кўра тўрт кундан бўён томонлар ўртасида қақшатқич жанглар давом этаётган. Айниқса, Афғонистон пойтахтининг шимолий-шарқидаси Тобок водийсида кескин жанглар бўлди. Бирок, ҳеч бир томон ҳам қўзлаган мақсадига эриша олмади. Қўзғувчиларнинг айтишича, иккала томондан ҳам қурбонлар бор. Бирок уларнинг аниқ сони маълум эмас.

Ироқ билан Эрон эски гиналарни унутиб, икки томонлама муносабатларини яхшилашга ҳаракат қилишмоқда, деб хабар қилади ИРНА агентлиги. Икки мамлакатнинг ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари учрашув ҳам шу мақсадда амалга оширилди. Ироқ ташқи ишлар вазири Муҳаммад Саид ал Сахофининг айтишича кўра икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ушбу ҳудуддаги тинчлик ва барқарорликни кафолатлайди. Ал Сахофининг Эрон ташқи ишлар вазири Камол Хоразий билан учрашувда ҳарбий асирларни алмаштириш ва Ироқ самолётларини қайтариб бериш асосий мавзу бўлди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ироқни қуролsizлаштириш буйича маҳсуе комиссияси раҳбари Ричард Батлернинг Бағдодга сафари бошланди. У Ироқ бош вазири Тарик Азиз билан учрашиб, халқаро экспертиларни ҳеч қандай тўсиқсиз мамлакатга киритишни талаб қилмоқчи. Ричард Батлер Нью-Йоркка 22 январь кун қайтиб боради.

БАРХАНЛАР ОРТИДА САВДО

НУКУС. 180-200 километр олисдаги Қизилқум барханлари кўйинидаги чўпонларга савдо хизмати кўрсатиляпти. Ҳозиргача уларга 1040 тонна ун, 80 тонна усимлик ёғи, 52 тонна шакар, 136 тонна гуруч, 17 тонна чой ҳамда 2500 жуфт қалиш, 1200 дона теллак, 5000 жуфт этик, 1200 дан кўпроқ камзул ва бошқа кийим-кечаклар етказиб берилди. Реймбой ЕШИМБЕТОВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Номалум кўпуровчилар Филиппиндаги энг йирик нефть компанияларидан бирининг қароргоҳига граната ташлашди.

Сурия ташқи ишлар вазири Шараа бундай деди: Клинтон маъмурияти Яқин Шарқдаги корчалолигида муваффақиятсизликка учради.

Ироқнинг БМТдаги доимий вакили айтдики, АҚШнинг Ироққа ҳарбий ҳужуми ҳамон аниқ бўлиб турибди.

Босниядаги вазиятни сақлаб туривчи кучлар Сербия республикаси Ички ишлар вазириги биносини ҳоқимиятни эски ҳукуматдан янги сайланган ҳукуматга тинчгина топширилишини мўлжаллаб назоратда ушлаб турибди.

Швециянинг шимолидаги Лулео шаҳрида Баренцево атрофидаги мамлакатларнинг 5-сессияси очилди.

Франция Компартияси Парижда ишсизликка ва ягона Европа валютасини жорий этишга қарши оммавий намойиш ва митинг уюштирди.

ОЗОДАЛИК — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Эпидемиологик ҳолатлар буйича республика Факултетада комиссиясининг ақшанба кунини бўлиб ўтган йиғилишида ана шу оддий ҳақиқат қайта-қайта таъкидланди. Йиғилишини Бош вазирнинг биринчи уринбосари, мазкур комиссия раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Унда Тошкент шаҳридаги бугунги эпидемиологик вазият муҳокама қилинди. Йиғилишда таъкидландики, пойтахтдаги эпидемиологик ҳолат, ҳақиқатан ҳам, ташвиш туғдирадиган даражада қолмоқда. Гепатит, уткир ошқозон-ичак касалликлари каби хасталикларга чалинганлар сони кўздагига нисбатан бир оз камайган бўлса-да, аҳоли сонига нисбатан бундай беморлар миқдори жиҳатидан шаҳар ҳали ҳамон мамлакатда олдинги уринлардан бирини эгаллаб турибди. Хусусан, «Сариқ» касалига чалинганлар мамлакатнинг бошқа вилоятларидагига нисбатан деярли икки баравар кўп. Бунинг асосий сабабларидан бири шаҳарда тозалikka риоя қилиш даражасининг пастга тушиб кетганлигидир. Бу ҳол аҳоли истиқомат жойларида, айниқса, кўп қаватли уйлар атрофида жуда яққол кузга ташланади. Маҳалла, мавзе ва гузарларда йиғилиб қолган чикиндиларнинг ҳафталаб, ҳатто ойнаб қолиб кетиши, ариқ-зовурларнинг вақтида тозаланмаслиги, мактабгача тарбия муассасалари, бошқа таълим масканлари, умумий овқатланиш жойлари, жамоат транспорти, бозор, ҳаммом, сартароҳона, ҳатто шифохоналарда санитария-гигиена назоратининг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги

вазиятни жуда мураккаблаштириб юборди. Шаҳардаги озодалик, тартиб-интизом, соғлом турмуш тарзи учун жавобгар булган уч юздан зиёд масъул шахсга нисбатан турли хил маъмурий чоралар қурилганига қарамай, ишда силжиш сезилмаётган. Туман ҳоқимлари, маҳалла кумиталари, коммунал хизмат идоралари, корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳам бу масъулиятли ишга панжа орасидан қарашга қуникиб қолган. Йўқса, шаҳарда 50 минг тоннага яқин санаот чиқиндиси йиғилиб қолганлигини нима билан изоҳлаш мумкин.

Йиғилишда соғлиқни сақлаш вазирининг уринбосари — республика бош санитария врачиси Б. Ниёматов, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ш. Темуров, Давлат табиати муҳофаза қилиш бўлими раиси А. Ҳабибуллоев, шаҳардаги айрим туман ҳоқимлари ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Комиссия йиғилишида уз ишини эпидемиологик ахборот масъул раҳбарларга нисбатан лавозимидан олишгача бўлган қатъий чоралар қуриш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Тошкентни мамлакатимизнинг энг озода ва ҳар томонлама намунали шаҳарларидан бирига айлантириш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди. Йиғилишда Президентнинг давлат маслаҳатчиси — назорат инспекцияси раҳбари Е. Жалолов сузга чиқди. Йиғилишда Бош вазир уринбосарлари А. Азизхўжаев, Р. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳоқими К. Тулаганов қатнашди.

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»



Фамилияси: Маҳамова. Иси: Тўғон. Туғилган жойи: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Бураота қишлоғи. Ҳозир шу қишлоқнинг Мустақиллик кўчаси, 29 уйда ишқорик қилади. Узоқ умр кўришининг сирини — юртимизнинг жан-

натмакон гўшаси ҳисобланмиш Қибрай ҳавоси, табиати, одамоҳун кишиларнинг хушмуомаласи. Ю. Эшнинг хулосаси — Ўзбекистон мустақиллигини роппа-роса 100 йил кутганман. Етти йилдирки, ҳақиқий умр кўраётгандекман. Шавкат АКРОМОВ олган сурат.

Мисрнинг Луқсёр шаҳрида араб мамлакатлари парламентлари кенгашининг террорчиларга қарши кураш муаммоларига бағишланган сессияси бўлиб ўтди. Унда 18 араб мамлакатидан вакиллар иштирок этди.

Сессия иштирокчилари миштакда террорчилик ҳаракатларига барҳам бериш, жумладан, жойларда назоратни кучайтириш ва қўпо-ручиларга таъқиқ ёрдам келишига йўл қўймаслик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиши.

Кипр ва Эстония ташқи ишлар вазирлари — Янакс Касулидас ва Тоомас Хендрик Илвес икки мамлакат ўртасида виза тартибидан воз кечиш ҳамда ўзаро ҳаво алоқаларини очиш тўғрисидаги битимни имзолади. Шунингдек, улар Европа Иттифоқига аъзо бўлиш йўлида ҳамкорликда ҳаракат

қилиш ва бир-бирини қўллаб-қувватлашга ҳам келишиб олдилар.

Хиндистон тиббийети тарихида жисарни кўчириб ўтказиш бўйича операция илк бор муваффақият билан амалга оширилди. Деҳлида-

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

«Индрапрастха аполло» номли йирик госпиталь жароҳлари жисари касалланган ўн ойлик чақалоқ жисарини олиб ташлаб, унинг ўрнига бошқа соғлом жисарни кўчириб ўтказди. Хиндистон матбуотидаги ёзишча, гўдакнинг аҳоли ёмон эмас, унинг тез орада бутунлай соғайиб кетиши ку-

тилмоқда. Маълумки, бунга қадар ҳиндифкорлари жисарни кўчиришга беш мартаба уриниб кўрган, бироқ бирор марта ҳам муваффақиятга эришолмаган эдилар.

Хитой ва Тожикистон мудофаа вазирлари — Чи Хаотян ҳамда Шерал Хайруллоев икки вазирлик ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолади. Ушбу ҳужжатга кўра, жумладан томонларни қизиқтирган масалаларни муҳокама қилиш учун ҳарбий экспертларнинг қўшма мажлиси ўтказиб турилади.

Икки мамлакат мудофаа вазирлари учрашуви давомида ҳарбий соҳада ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам фикрлар алмашилди.



Хиндистонлик ёш энага.

«ЕТИЛИК» КЕНГАШИ ЎТКАЗИЛАДИ

АҚШ маъмурияти «еттилик»ка аъзо давлатлар ҳукуматига мурожаат қилиб, Шарқий Осиё минтақасидаги молиявий инқирозни бартараф этиш юзасидан кенгаш ўтказиш таклифини билдирди. Унда ривожланган «етти» мамлакат молия вазирлари ҳамда банк раҳбарлари иштирок этиши кўзда тутилган.

Ушбу йиғилишда Австралия, Янги Зеландия, Швейцария, Белгия, Нидерландия, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ҳамда Осиё Тараққиёт банкидан ҳам вакиллар иштирок этиши қўтилмоқда. Ҳозирча бу тадбирнинг ўтказиш муддати ҳақида бирор-бир аниқ гап айтилгани йўқ.

ДЕКЛАРАЦИЯ ИМЗОЛАНДИ

Тел-Авивда Грузия билан Исроил ўртасида ўзаро дўстлик тўғрисидаги декларация имзоланди. Унга Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе ҳамда Исроил Бош вазири Биньямин Нетаняху имзо чекди.

Маълумки, Э. Шеварнадзе Грузияда демократияни ривожлантиргани ҳамда собиқ Иттифоқ даврида совет яҳудийларини ўз тарихий ватанига қайтаришдаги хизматлари учун Исроил демократия институтининг махсус мукофоти сазовор бўлган ва уни қабул қилиб олиш учун Исроилга сафар қилган эди.

МАРТДА КРЕДИТ БЕРИЛАДИ

Халқаро валюта жамғармаси билан Индонезия ҳукумати ўртасида мазкур мамлакат иқтисодий тизимини тубдан ислоҳ қилиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Шартнома мувофиқ, Индонезия ХВЖдан қарз олишни давом эттириш имконига эга бўлди. Навбатдаги уч миллиард АҚШ доллари миқдоридagi кредит жорий йилнинг март ойида Жакартага етказиб берилиши керак.

Хорижий руҳшунос олимлар «Ҳурмат қозонишнинг сирлари» устида узок йиллик тажриба ўтказишди. Қандай қилиб одамлар орасида обрў-эътибор орттириш мумкин?

Кузатув натижаларига қараганда бунинг ҳеч қийин йўли йўқ эмас. Фақат баъзи майда-чўйдalарни ҳисобга олмаганда. Аммо шу «майда-чўйда», ё арзимас сабабларни кузатиш учун инсон умр бўйи ҳаракат қилиши мумкин. Ҳаммаюм осонгина бунинг уддасидан чиқавермайди-да.

Аслида хорижликлар энди «кашф» этган бу тажриба бизга ҳеч янгиллик эмас. Шарқ фалсафасининг асоси — инсон маънавий бойлигини тарбиялаш.

КЕКСАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Айни вақтда умумий аҳолиси 1,236 миллиард кишига етган Хитойда кекса ёшлилар сонининг ортиб кетиши ҳукумат учун катта ижтимоий муаммага айлانмоқда. Давлат статистика бошқаруви маълумотларига кўра, сунгинг пайтда еши 60 дан юқори бўлганлар сонининг ўртача йиллик ўсиши 3 фоизга етди. Асримизнинг охирига бориб бу курсатки Хитой аҳолисининг 10 фоизини ташкил этиши, яъни мамлакатда кексаларнинг умумий сони 130 миллион кишига етиши тахмин қилинмоқда. Албатта бу мамлакат иқтисодий ўсишига салбий таъсир кўрсатади. Баъзи фикрларга кўра эса, 2000 йилга бориб мамлакатда нафақахўрлар 36 миллионни ташкил қилиб, йиллик нафақанинг умумий миқдори 200 миллиард юанга кўпаяди.

ДАВЛАТ МАДАДКОРИ

бу навбат ҳам узимизни бу истакдан (ҳажга боришдан) қайтарди.

Бундай олийжаноблик, ташриф бурюганларнинг қалбини шу даражада тулкилантириб юбордики, уларни секинча ва ҳурсадчилиги охиш-тохиш кетди. Сунгра улар чуқур миннатдорчилик ихзор этиб тарқалганлар.

Маълумки VIII асрдан бошлаб Туркистон заминиде даставвал араб, сунгра форс тили илмий ва адабий тил ҳисобланган. Алишер Навоий бундай ҳолатга барҳам берилиши учун она тилини камситишга қарши курашувининг бошқарилишидан қўлимаслигини исботлади, ҳамда унинг бойлиги, афзаллиги ва нафислигини яққол кўрсатиб берди. Бу тилининг куч-қудратини узунинг ажойиб асарлари билан ҳам намойиш этди. Натижанда узбек тили тобора юқори босқичга кўтарилиб борди. Ҳатто султон Хусайн Бойқаро она тилини давлат тили сифатида ишлатиш ҳақида фармон чиқарди. Бунда Алишер Навоийнинг таъсири катта бўлган албатта.

Хуллас, Хондамирнинг гувоҳлигига кўра «узқон кўрувчи Навоий ақлининг матонати билан давлат ишлари тартибга солинди. Ақл ва иродасининг кучлилиги билан мамлакат ва халқ иши саранжом топди. Унинг ерқин фикри порланишидан чигаллар равшанлашди ва турги тadbирини беракасидан зур ишлар йўлга солинди».

ХАКИКАТИ

Бундан кўра унинг ақли билан давлат ишлари тартибга солинди. Ақл ва иродасининг кучлилиги билан мамлакат ва халқ иши саранжом топди. Унинг ерқин фикри порланишидан чигаллар равшанлашди ва турги тadbирини беракасидан зур ишлар йўлга солинди».

Мазмунан Хитойда кўприкларни ҳолати ёмон бўлиб, одамларни, от ва араваларни юриши қийинлашган. Шунинг учун Алишер Навоий Сепуляк, Тулки, Соқсалмон, Чихудухтарон, Тарноб, Қалаандарон, Бойхўжа, Ҳайробо кўприкларни ва бир тўғонни қургани эди.

Олий ҳазрат бунга ҳисобга олган ҳолда Пойдарахт, Шобло-фан, Сурушпў, Хожак калла, Пир Кивом, Қалаандарон, Зирбод, Зиратгоҳ ва бошқа маҳалларда ҳовузларни қурди.

Олий ҳазрат Хитойда кўприкларни ҳолати ёмон бўлиб, одамларни, от ва араваларни юриши қийинлашган. Шунинг учун Алишер Навоий Сепуляк, Тулки, Соқсалмон, Чихудухтарон, Тарноб, Қалаандарон, Бойхўжа, Ҳайробо кўприкларни ва бир тўғонни қургани эди.

Олий ҳазрат Хитойда кўприкларни ҳолати ёмон бўлиб, одамларни, от ва араваларни юриши қийинлашган. Шунинг учун Алишер Навоий Сепуляк, Тулки, Соқсалмон, Чихудухтарон, Тарноб, Қалаандарон, Бойхўжа, Ҳайробо кўприкларни ва бир тўғонни қургани эди.

БУНЭДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИПАРВАРЛИК ФАОЛИЯТИ

Темур ва темирўлар даврида мамлакатда йирик қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилганлиги маълум. Уларни орасида Алишер Навоий алоҳида урин эътибор қилди. Уларнинг шахсий маблаг ҳисобига шу даражада кўп ва самарали иш қилдики бунқасини зивилларни орасидан топиб қийин. Унинг умумийлаш манфаатлари учун қилган ишлари кишини ҳайратлантиради ва завқлантиради.

ҲУРМАТ ОРТТИРИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Одатда бирор қизикarli тажриба ҳақида ўқисак, уйлаб қоламиз. Айтганлик: «Сиз ёқтирган ранг — фелъ-авторингиздан дарак беради». Дарров узимизга маълум рангининг тафсилоти нини ўқиб: «Э, булмагур гап, мана мен туқ кўк рангни ёқтираман, лекин ҳасадгүй эмасман» дейишингиз мумкин-да. Шунданам, бу олти маслаҳат сизга тўғри келмасин ҳам мумкиндир. Лекин билиб куйган яхши. Руҳшунос олим доктор С. Снайдер узок йиллик кузатишдан сунг шундай хулосага келди.

1. Гапиргандан кура кўпроқ эшитинг. Қанча кўп гапирсангиз кўп бемаъни

фикрни айтишингиз мумкин. Илоҳи борица одамлар орасида сипо, камгап бўлинг, ютасиз. Шунда атрофдагилар сиз ҳақингизда «мулоҳазали, ақли одам» деган фикрга келишади.

2. Уз шахсиятингиз ҳақидаги «туз»ни ҳамиша қаттиқ сир тутинг. Шахсий ҳаётингиз, фелъ-авторингизни ҳеч қачон очил дастурхон қилманг. Қалбингиз ҳам мустаҳкам қургон бўлсин. Узгаларга осонгина қургон эдингизни очиб берманг. Йўқса, ганнимизгиз дарҳол уни ишғол қилиб, сунгра яна узидан катарроқ душманингизга йўл очиб бериши мумкин. «Сирли»лик обрў келтиришини унутманг.

3. Ютугингизни қупиртирманг. Қачонки сиз «Омадим кел қолди-да, десангиз, билингки тезда одамлар орасидаги нуфўзунгизга путур етлади. Бундай ҳолатда ваэмин ва магур бўлинг. Сиздан ютуқларингиз ҳақида сўрашса, «Кунгилдаги иш бўлди» денг суҳбатдошингизга ва кетидан: «Ҳа, озмунча уримнадим, ўзи бўлмайди, осмондан «омад» егмайди-да» дея мавҳумроқ жавоб қилинг.

4. Гоявий муҳолифингизга ҳам хатингизни уш заҳоти тан олинг, узрингизни айтинг. Сизга қарши фикрловчи одам билан тасфаркургангда сал хатога йўл қўйсангиз, уша пайтда «дарвоқе, фикрингизда жон бор» дея энгил, энг ичиде тан олиб кетинг. Ошқора, бурттириб тан ҳам бераверманг. Ютасиз.

5. Атрофингиздагиларни ноёб фикрларингиз билан бир қарра лол қолдиридигизми? Бошқа тақорлама-ннг, йўқса, у оддий суз уйинига айланиб қолиши мумкин. Умуман ҳар қандай сабаб еки важи бир марта ишлатинг. Сийқаси чиқса, аксинча узрли сабаб ҳам сизга бўлган ишончингиз йўқолишига олиб келади.

6. Давранинг турида бўлинг, лекин баҳс-муноза-ранинг «туридан» узингизни олиб қочинг. Ҳадеб баҳсла-шиш «улогини» олиб кета-

БУ САФСАТА ЭМАС

Ўтган шанба куну АҚШ Президенти Билл Клинтон ўзининг Вашингтондаги адвокати ҳузурида 6 соат вақтини ўтказди. Бинобарин, уни 31 йили Пола Жонс деган жувои ўзига тегишганликда айблаб, судга берганди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Оқ уй раҳбарининг айбаниши АҚШ тарихида биринчи бор учраётган ҳодиса. Билл Клинтон Арканзас штати-нини губернатори қилиб сайланган 1991 йилда Пола Жонс ҳам ўша ерда давлат хизматчиши вазифасида ишларди. У Президентни ўзига тегишганликда айблаб, 1994 йилда судга берган. Ушандан бери у Президенти Клинтон ўзидан кечирим сўрашини талаб қилмоқда. Пола ишни судга олиб бориш тарафдорн эмас. Унинг нияти Президентдан 2 миллион доллар пул ундириб олиш ва Президентнинг расмий узурини қабул қилишидир. Клинтоннинг матбуот котиби Майкл Маккерри айтдики, мана шу жанжалли иш муносабати билан Президентнинг қанча-қанча қимматли вақти бекорга сарфланмоқда.

Суднинг расмий мажлиси 27 майга мўлжалланган. Бироқ юристлар икки томон ўзаро келишиб оладилар, деб умид билдиришмоқда. Бундан ташқари сўраб чиқилган америкаликларнинг 55 фоизи Президент учун нуқулай бўлган бу жанжалли масала тезроқ келишиб, ҳал этилишини кўтишмоқда.

версангиз, қимматли фикрингиз дадилларингизни осонгина шамолга совурасиз. Чунки баҳсда ноёб фикр айтилмайди. Фақат гоявий «қураш» кетади, ҳолос. Қимматли фикрни аҳён-аҳёнда бутун аудиторияни узингизга қаратиб, фикрингизни лўнда айтинг. Чунки ноёбликнинг ўзи камёблиги билан қадрланади, унутманг.

Ҳурмат орттириш хусуси-даги олти маслаҳатни амалда қўлламасангиз ҳам атрофдагиларга зехи солиб қаранг. Кимдир балки айнан шундай қилар. У ҳурматли одамми?


Савада ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

ИШБИЛАРМОНЛИКМИ БУ, Ё?

Ж. Бонд иштирокида навбатдаги «Эртанги кун ҳеч қачон улмайди» номли янги фильм ҳа-демай Америка кинотеатрларида намойиш этила бошлади. Уни қурган томошабилар Жеймс Бонд қандай ичимликни хуш қуришини ҳеч қийналмай билди олиши мумкин, Аген-т — 007 мартини аралаш араб, баъзан эса «Смирнов» ичишни ёқтиради. Кинодоминода Бо-ндин кўнгли бирон-бир «юм-шоқроқ» ичимликни тусаб қол-са, у фақатгина «Хайнекен» пи-воси еки «Бошинджер» шам-пандинга ичади. «Эртанги кун ҳеч қачон улмайди» фильми иждоқорлари ана шундай рекламаларнинг узидан фильм экранга чиқмай турибқ 100 миллион долларга яқин маблаг ишлаб олишди.

«ОСИЁ-ВОЛГА» МИНТАҚАЛАРАРО МАРКАЗИ

Тошкент шаҳридаги омборхонадан пул ўтказиш йўли билан УАЗ автомобиллари учун кенг турдаги эҳтиёт қисмларни, шунингдек, қишлоқ хўжалик шиналарини, автошиналарни, автомобилларнинг барча турдаги эҳтиёт қисмларини Сотадан Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий қўчаси, 16 ° уй, 221-хона Тел\факс: (371) 41-52-41, 41-58-51.



«АТТАНГ ДЕМАНГ», ЕБ ҚЎЙГАЧ

Ресторанда тамадди қилишдан олдин таомно-манинг паспортини, яъни нимадан, қачон тайёрланганини синчиклаб суриш-тириш ҳечам фойдадан ҳоли эмас. Айниқса, хориждаги нуфузли ресторонларда оватқла-надиган хурандалар хозир шунақа қилишар экан.

Тўғри, ташрифингиздан беш дақиқа утар-ўтмас официант-ҳодима зипиллаб қаршингизда ҳозир-нузир бўлади. Ундан истаганча бундай саволларга жавоб олиш мумкин-ку, дерсиз. Барибир ўз кўзингиз билан кўрган яхши.

Аниқроғи, италянлар таомноманинг паспорти-ни сураб, кейингина тановулни бошлашга мажбур бўп қолишди. Негаки уларнинг «қовур-доқ»дан оғзи куйган-да.

Миландаги ресторонлардан бири тўсатдан «машхўр» бўлиб кетди. Улар тайёрлаётган «Ат-танг деманг» оватқининг таърифи оғиздан-оғизга кучиб, ҳамманинг сулагини келтирди. Бир қараш-да «аттанг деманг» бошқа таомлардан кўпим фарқи йўқдек эди — қовурилган гўшт.

Хурандалар турли шаҳарлардан келиб ҳеч иккиланмай машхўр ресторонда оватқланиши-ни ўзларига фахр деб биладиган бўлишганди. Лекин бир кун арзима-ган эҳтиётсизлик туфайли рестороннинг «чуви» чикди. Иши чапасига кетди. Кириш қатъий ман этилган оватқ тейрлаш-цеҳига тасодифан кириб қолган ширакайф хуранда хом масаллиққа кузи тушди-ю... балки у ўлган бўвиси нариги дунёдан тирилик келганда ҳам бунчалар ҳайратланмасмиди? Ходимлардан бири унга елка қисиб: «Тавба!» Суйилган сичқоннинг нимаси-дан кўркаси? Мана, кўзингизни каттароқ очинг, уллик?!» деди. Каёқда, ҳодима галини тугатмасдан шурлик хуранда душидан кетиб йиқилди.

— Менинг айбим, бошиданоқ дарров «аттанг»ни бўйинмга олганимми? — Тўғри, ресторонимизнинг шуҳра-тини ёйган таом «аттанг деманг» қовурма сичқон! — дейди ресторон эъплаг-нидан куйиниб бош ошпаз Рико Кантерелли. — Ахир беш хурандаларга бу ҳақда айтганмиз-ку, «аттанг деманг» дер...

Ҳа, ресторонга кириш-дан олдин пештоқдаги ёзувигаям бир қарашга тўғри келади. Кейин таомномадаги оватқни «титкилаш» зарур, йўқса, «аттанг» деб қолиш мумкин-да.

ТАЖРИБА УЧУН 30 НАФАР КЎНГИЛЛИ

Бразилия пойтахтида СПИД ва таносил касаллик-лри бўйича бўлиб ўтган иккинчи миллий конгресс мате-риалларида қайд этилишича, мамлакатда СПИДга муб-тало бўлган гўдаклар сони 1994 — 1997 йиллар ораси-да 125 фоизга ошган. Норасидалар бу муҳий касал-ликка ҳали ҳомила пайтларидаёқ чалинган. Мамлакат-да орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИ-ТС) вирусини ташувчилар сони кейинги уч йил ичиде айвлар орасида 202 фоиз, эркаклар ичиде эса 111 фоизга кўпайган.

Бразилиядаги Пастер институти олими Люк Монтань-нини фикрича, СПИДга қарши вақциялар прототипла-рини одамларда синиб кўриш юзасидан қашшоқ мам-лакат ҳам айнан Бразилия бўлмоғи лозим. Ҳозир бу ерда ана шундай тажрибаларни ўтказиш учун 30 на-фар кўнгилли рўйхатга олинди. Дунё бўйича мазкур касалликка қарши унга яқин вакцина прототиплари яра-тилган бўлса, уларнинг учтаси Пастер институтида иш-лаб чиқилган.

